Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 27 февраль, шанба

Нархи: 5 сўм

№ 38 (21.392).

НАВРЎЗНИНГ НАШЪАЛИ НАФАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жойлардаги ташкилотлари бутун мамлакатда бўлгани каби умумхалқ байрамига тайёргарлик кўришни қизитиб юборишдилар. Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, инсоний қадриятларни улуғловчи Навруз сарин эпкинлари мустақил Ўзбекистон узра эсмоқда.



ТАРАДДУД

Ўзбекистон ХДП Навоий вилояти кенгаши Наврўз миллий халқ байрамини муносиб нишонлаш учун махсус тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Наврўз кунлари вилоятда ва районларда халқ сайиллари, кўргазмалар, кўрик-конкурслар, касб ҳунармандчилиги мусобақалари ўтказилади. Байрам кунлари «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши пазанда» беллашувларига ҳам кенг ўрин берилади.

Миллий қадриятлар, урф-одатлар, унутилган анъаналарни қайта тиклаш учун жойларда кенг қамровли мусобақаларни ташкил этиш ишлари кўзда тутилган. Бу хайрли ишларга бевосита вилоят кенгаши раҳбарлик қилади.

Музаффар ШАРОПОВ.

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

Жиззах район маданият бўлими уюштирган халқ амалий санъати усталарининг Наврўзолди кўрик-танлови кўпчиликнинг диққатини жалб этди.

Шу куни темирчи, кулолчи, заргар, дурадгор, каштачи, сандиқчи усталар ўзларининг миллий услубдаги нозик дид билан яратган маҳсулотларини намойиш этдилар. Темирчи Ғ. Ҳасанов, заргар О. Комилов, каштачи А. Қутбиддинова-лар санъати айниқса таҳсинга сазовор бўлди.

Баҳриддин САТТОРОВ.

ШАНБАЛИККА ЧИҚАДИЛАР

Қарши шаҳар уйсозлик комбинати меҳнат жамоаси Наврўз байрамини муносиб кутиб олишга бағишлаб 6 март куни шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Шанбаликда 300 дан зиёд ишчи-қурувчи, инженер-техник ходим қатнашади. Шу куни ишлаб топилган маблағ «Наврўз» хайрия фондига ва «Маҳалла» жамғармасига ўтказилади.

Комбинат меҳнат аҳлининг ибратли ҳаракатини шаҳар ҳокимлиги ва ХДП шаҳар кенгаши бюроси қўллаб-қувватлади.

Мусо КАРОМОВ.

ҲАР БАҲОРДА ШУ БЎЛАР ТАКРОР

Мана ўлкамизда яна баҳор нафаси уфурмоқда. Қор остида эзилган чечаклар, майсалар яна бош кўтармоқда. Ҳадемай ариқлар лабида ялпизлар пайдо бўлади, бойчечагу чучмомалар очилади.

Фасллар маликаси ўз гўзаллиги ила одамларни хушнуд этиш билан бирга уларни меҳнат қучоғига чорламоқда. Айни пайтда чўпон-чўлиқларимиз совлиқлардан бақувват ва дуркун қўзилар олиш ниятида ҳормай-толмай ишлаётирлар. Зеро, улар ўзлари яратаётган бойликлар мустақил республикамизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилишини яхши биладилар.

Деҳқон ҳам далага отланди. Сабзаватчилар экиш ишларига сўнгги тайёргарликни давом эттиришаётир. Жумҳуриятимизнинг жанубий районларида эса сабзавот, беда экиш бошлаб юборилди. Боғбон-соҳибкорларимиз боғлардаги ишларни кучайтирмоқдалар.

Асака районидаги «Соҳибкор» давлат хўжалиги боғбонлари ҳам бу ишни тезкорлик билан олиб боришаётир. Зеро, дашт ерларда боғлар яхши парвариш қилинмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Янги кўчатлар экиш ҳам тез суръатда олиб борилаётир. Ҳозирги пайтда хўжалик мевазорлари 500 гектарга етди. Ўтган йили миришкорлар режадаги 300 тонна ўрнига 500 тонна мева, 700 тонна ўрнига 1000 тонна узум йиғиштириб олишганди. Бу йил уларнинг нияти—бундан ҳам кўпроқ маҳсулот етиштириш.

Хўжаликда миришкорларнинг ғайрат-шижоати билан моддий бойликлар яратилмоқда. Носиржон Жўраев ҳам ана шуларнинг биридир. У онласи билан боғдорчилик қилади. Демак, хонадондаги меҳнатга яроқли одамларнинг ҳаммаси ширин-шакар мева етиштириш билан банд. Қанчалик савобли, қанчалик эзгу машғулот бу — боғбонлик. Завқи ҳам бор, қийинчилиги ҳам. Лекин олтин кузда дастурхонга қўйилган лаззатли мевадан татиб кўрганда барча чарчоқ тарқаб кетади. Шу боис она аъзолари эрта кўкламданоқ дарахтларга шакл бериш ишларини кучайтириб юборишди.

Суратда: онлавий звено бошлиғи Носиржон ЖЎРАЕВ.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЖАМОАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов 25—26 февраль кунлари Бухоро вилояти меҳнат жамоаларида бўлиб партия фаоллари билан учрашди. Қоракўл районига сафар қилинганда, район ҳокими Р. Собиров ва ХДП район кенгашининг биринчи котиби Н. Ёдгоров Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат» асарида кўрсатилган йўл-йўриқлар асосида меҳнат жамоаларида амалга оширилаётган яратувчилик ишлари тўғрисида сўзлаб беришди.

Биринчи котиб вилоят матлубот уюшмаси Қоракўл районлараро базаси ҳузурида ташкил этилган пайпоқ тўқиш ва тикувчилик цехлари фаолияти билан танишиб қониқиш ҳосил қилди.

Қоракўл пахта тозалаш заводи ишчилари билан учрашувда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат ва турмуш шароитларини ўнглаш борасида савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Шунингдек, биринчи котиб Бухоро қоракўл тери ошлаш заводида бўлиб «Бухоро — Омега» Ўзбекистон—Греция қўшма корхонаси ишчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган истеъмол буюмлари намуналари билан танишди.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилояти кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўрди.

Вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов Ромитан райони ҳокими этиб сайлангани муносабати билан пленум уни вазифасидан озод қилди.

Вилоят кенгашининг Ижроия бюроси аъзоси ва биринчи котиби этиб Ўзбекистон халқ депутати, илгари Навоий вилояти Конимех райони ҳокими вазифасида ишлаган Ж. К. Нуруллаев сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов ва Бухоро вилояти ҳокими Д. С. Ёдгоров нутқ сўзладилар.

Н. НАИМОВ,

• «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси ўзбек матбуотининг энг кекса нашри — «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик байрамини муносиб нишонлаш бўйича қарор қабул қилган эди.

Ушбу қарорга биноан «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тузилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши комиссиясининг дастлабки мажлиси 26 февраль куни бўлиб ўтди.

Мажлисда дастлаб 1918 йил 21 июндан бошлаб «Иштирокиюн», кейинчалик эса «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Совет Ўзбекистони» номлари билан чиққан, ўз вақтида Акмал Икромов, Шароф Рашидовлар муҳаррирлик қилган, ўзбек матбуотининг дарғаси бўлган ва кўплаб таниқли журналист, ёзувчи, шоир, мухбирлар учун катта мактаб вазифасини ўтаган «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик тўйини муносиб ўтказиш ҳақида гап борди.

«Ўзбекистон овози» бош муҳаррири Шароф Убайдуллаев, газетанинг фахрий бош муҳаррирлари Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Ўзбекистон радиоси раҳбари Абдусаид Кўчимов, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директорининг ўринбосари Тўхтасин Бобожонов ва бошқалар газетанинг байрамини ўтказиш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ўтган 75 йил мобайнида газета халқни маънавий бойитишга катта ҳисса қўшгани, ўзбек халқининг ўз тарихий, маданий меросини сақлаш, қадриятларини эъзозлашга даъват этиб, давр босқичларининг кўзгуси бўлгани, ҳозирги кунда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигида республика раҳбарлари олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат моҳиятини аҳолига атрофлича тушунтираётгани, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаолиятини ёритиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Газета чиқа бошлаган 21 июнни Ўзбек миллий матбуоти куни деб белгилаш, Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига «Ўзбекистон овози» газетаси номини бериш, юбилейга атаб китоб, буклет, нишонлар тайёрлаш, байрам арафасида газетанинг кўпминг сонли муштарийлари билан учрашувлар ўтказиш ҳақидаги таклифлар айтилди.

Мажлисни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби, комиссия раиси Муқимжон Қирғизбоев олиб борди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН БОРАВЕРАМИЗ

Тошкентлик шифокорлар даврасида муҳим мавзуга бағишланган қизиқарли йиғилиш бўлиб ўтди. Улар республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат» китоби ҳақида ўзларининг дил сўзларини айтиб, мунозара қилдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг раҳбари, Ўзбекистон халқ депутати Қ. Ризаев кириш сўзи билан очди. Шундан кейин сўзга чиққан биринчи шаҳар туғуруқхонаси ҳамшираси Гулшан Мирбобоева, 9-шаҳар туғуруқхонаси шифокори Малика Усмонова, соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг етакчи педиатори Дилором Муҳаммадалиева, 1-клиник сил касалликлари шифохонаси бош врачи Атҳам Расулов ва бошқалар ўз фикрларини баён этдилар. Йиғилиш аҳли «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китоби мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқбол сари собит қадам ташлашда муҳим дастур бўлиб қолишини алоҳида таъкидладилар.

ПАХТАКОР РАЙОНИДА ЯНГИ ҲОКИМ

Жиззах. (Ўз мухбиримиздан телефон орқали).

Пахтакор район Кенгашининг бўлиб ўтган сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди. Б. Тожиев бошқа ишга ўтиши муносабати билан район ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Ўктам Зокирович Олимов Пахтакор райони ҳокими қилиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов, вилоят ҳокими Э. Турсунов иштирок этди.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР

ТОШКЕНТ: ЯНГИ НОМЛАР

Уч-тўрт йил бурун Тошкентга келиб-кетган киши ҳозир адашиб қолиши тайин.

Негаки, шу йиллар мобайнида миллий ўзликка қайтиш, қадриятларни тиклаш борасида кўп ишлар амалга оширилди — юзлаб жой номлари ўзгартирилди, миллий руҳдаги атамалар тикланди. Бу эса аҳоли учун муайян қийинчиликлар ҳам туғдирди, чунки янги номларнинг барчасини эслаб қолиш қийин. Шуни ҳисобга олиб шаҳар ҳокими маҳкамаси ҳузуридаги атамалар комиссияси «Интердизайн» кичик корхонаси билан ҳамкорликда «Тошкент: янги номлар» маълумотнома китобчасини чоп этди. Унда мамлакатимиз пойтахтида номи ўзгартирилган районлар, даҳалар, мавзелар, кўчалар, истироҳат боғлари, метро бекатлари, майдонлар рўйхати тўлиқ келтирилган.

ТАШМАЧИЛАР ТИНЧИМАЯПТИ

Товар-моддий бойликларни республика ҳудудидан ташқарига қонунсиз олиб чиқиб кетишга уринишлар тўхтамаяпти.

Биргина пойтахт вилоятида ўтган йили турли йўллар билан четга олиб кетилаётган 250 миллион сўмлик моллар ушлаб қолинди. Ваҳолонки, ушланмаганлари қанча. Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи А. Убайдуллаев яқинда вилоят ҳокимиятида бўлиб ўтган кенгашда ана шу рақамни келтирди.

Шунча моддий бойликнинг четга гумдон бўлмагани, ўзимизга насиб этгани яхши, албатта. Бироқ ўйланиб қоласан киши: қонунларимиз устивор, посбонларимиз ҳушёр бўлса-ю, ташмачилар тинчимаса? Нега шундай?

Норбобо ШАКАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. ОТАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Валерий Йўлдошевич Отаев Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 26 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. С. ТОШПЎЛАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Марат Содиқович Тошпўлатов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 26 февраль.

ҚАРДОШЛАР ҚУЛФАТДА ҚОЛДИРИШМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан Тожикистондаги аҳволга жаҳон жамоатчилигининг эътиборн жалб қилинди. БМТ Бош котибига, МДҲ давлатларининг бошлиқларига қилинган мурожаатлар шу жумлага киради.

Ҳозир Тожикистон тинчлик ва барқарорлик йўлига ўтди. Зеро уруш унинг халқига бениҳоя кўп зиён-заҳмат етказди. Шу боисдан Ўзбекистон қардошларга ёрдам қўлини узатмоқда.

Республикада Тожикистон халқларига ёрдам жамғармаси ташкил этилди ва фаол ишлаб турибди. Қисқа муддатда унинг ҳисоб варақасига меҳнат жамоаларидан, жамоат ташкилотларидан ва фуқаролардан бир неча миллион сўм пул тушди.

Одамлар Тожикистондаги оға-инилари учун ачиниб, уларга баҳоли қудрат ёрдам беришга интилмоқдалар. Республикамизда ташкил этилган Тожикистон халқларига инсонийлик ёрдами жамғармасининг фаолияти ҳақида унинг раиси Алишер Ғуломов ҳикоя қилади:

— Бу жамғарманинг ташкил қилиниши Ўзбекистонда бажонидил қўллаб-қувватланди. Тошкентнинг барча туманлари қисқа вақт ичида инсонийлик ёрдами учун ўз улушларини қўшдилар. Февраль ойида иккита «ИЛ—76» самолёти Душанбега озиқ-овқат, дори-дармон, иссиқ кийим элтиб берди.

Бу юкни элтиб беришнинг барча ташкилотчиларини номма-ном айтиш лозим. Улар Тошкент шаҳри, унинг туманлари раҳбарлари, авиация ходимларидир. «Юнитех—интернейшнл» деб аталган Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасини айниқса таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу корхона тиббий асбоб-ускуналар ажратиб берди, уларни монтаж қилиш ва тожик шифокорларга ўргатиш учун мутахассислар юборди.

Тожик қардошларимизга бундан аввал ҳам ёрдам юборган эдик. Қиш бошланишидан аввалоқ озиқ-овқат етишмаётгани ҳақида хабар келиши билан Душанбега Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти номидан озиқ-овқат жойланган самолёт юборилган эди. Ўша юкка ўзим ҳамроҳ бўлиб борган эдим. Очиғини айтсам, ноҳуш таассуротлар билан қайтган эдим. Аэропортда тартибсизлик, бошбошдоқлик ҳукм сурар эди. Кимга бўйсуниши маълум бўлмаган қуролли кишилар кўп эди. Маҳсулотларни ким қабул қилиб олиши хусусида мунозара қилишди, уни кимга тақсимлашни ҳам билишмасди.

Бу сафар эса манзара бутунлай бошқача эди. Биз жамғарма маблағига сотиб олган 34 тонна инсонийлик ёрдамини олиб бордик. Тожикистон пойтахтида ёрдам учун зўр ташаккур изҳор этишди. Ёрдамни қабул қилиш ва тақсимлашда аниқ тартиб йўлга қўйилганлиги вазият барқарорлашганининг, қонуний ҳокимият ўрнатилганининг яхши нишоналари эди.

Ҳозир бизнинг жамғармамиз ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Республиканинг барча вилоят ва туманлари шу ишга жалб қилинмоқда. Тожикистон халқларига қўлдан келганча ёрдам беришни хоҳловчи ўнлаб кишилар ҳар куни бизнинг ҳузуримизга келмоқдалар. Бу халқимиз анъанавий инсонпарварлигининг, қўшнимизнинг уйида осойишталик ва хотиржамлик бўлсин деган истакнинг ифодаси, деб ўйлайман.

Тожикистон халқларига инсонийлик ёрдами жамғармасини тузиш ташаббускорлари орасида Ўзбекистондаги миллий маданият марказлари ҳам борлиги диққатга сазовордир. Ҳозир республикамиздаги бундай марказларнинг сони 72 тага етди.

Шу йилнинг бошларида уларнинг вакиллари республика байналмилал марказида йиғилиб, Тожикистонга ёрдам бериш ҳақида МДҲ давлатларининг бошлиқларига мурожатнома қабул қилган эдилар. Ўша учрашувнинг ўзида Тожикистон халқларига инсонийлик ёрдами республика жамғармасини ташкил қилиш таклиф этилган эди.

Тожик маданият маркази — «Ориено» раиси Собит Қурбонов бундай дейди:

— Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари неча минг йиллардан бери қон-қардош бўлиб, маданий алоқа қилиб келганлар. Шу кунларда тожиклар бошига аянчли қулфат тушган пайтда Ўзбекистон халқлари бепарво қараб тура олмайдилар. Тожик миллати вакиллари айниқса қаттиқ ташвиш ва алам чекаётганликлари табиий. Биз биродаркушлик урушини тўхтатиш, Тожикистон диёрида тинчлик ва тотувликка эришиш учун ҳамма чораларни кўриш зарурлигини бутун дунёга баралла айтган Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Давлатимиз Тожикистонга катта инсонийлик ёрдами бериб келгани ва бераётганини биламиз. Ҳозир кенг жамоатчилик ҳам бу ишга қўшилди.

Бошқа миллий маданият марказлари қатори бизнинг марказимиз ҳам Тожикистон халқларига ёрдам жамғармаси тузилишини қўллаб-қувватлади. Аввалига биз бу жамғармага 30 минг сўм пул топширдик. Ҳозир тожик тилидаги газеталар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар орқали бу ёрдамнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз.

— Қийин даврда яшаб турибмиз, айни шу боисдан ҳам бизга ҳамжиҳатлик ва ўзаро мададкорлик жуда зарур, — дейди немис маданияти жамиятининг раиси Теодор Давидович Экель. — Тожикистон халқларига инсонийлик ёрдами республика жамғармасини тузиш ташаббусини барча миллий маданият марказлари қўллаб-қувватлашди. Шу жамғарма тузилиши билан давлатнинг ёрдамига умумхалқнинг ёрдами ҳам қўшилди. Ҳозир Ўзбекистоннинг ўзи ҳам иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечириб турган бир пайтда бу жамғарманинг тузилиши жуда олижаноб иш бўлди, деб ўйлайман. Тожик қардошларга биздан кўра айниқса қийинроқ эканига ҳамма тушуниб турибди.

Тожикистоннинг фожеасида оддий кишиларнинг айби йўқ. Аммо бошланган урушнинг ҳамма машаққатлари уларнинг гарданига тушди. Тожикистон диёрида тинчлик ва осойишталик ҳукм суришига ишонамиз.

Ҳозир Тожикистон халқларига инсонийлик ёрдами республика жамғармасининг ҳисоб варақасидаги пул етти миллион сўмдан ошди. Тошкентдан, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидан юзлаб тонна озиқ-овқат, дори-дармон, кийимкечак юборилди. Қардош халққа ёрдам беришни хоҳловчилар учун жамғарманинг ҳисоб варақаси маълумотларини эслатиб ўтамиз: саноат-қурилиш банкининг Тошкент бўлими, ФО 172627328, ҳисоб варақаси — 00700235.

Б. МАДАМИНОВ. (ЎзА).

ТАДБИРКОРЛИК

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш алоҳида тадбиркорликни талаб этади. Бу борада Пахтачи районидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. Хўжаликда қишлоқ меҳнат аҳлини дон билан таъминлашга катта эътибор берилянти. Шу боис кузда 65 гектар майдонга ғалла экилди.

Шу кунларда хўжалик қишлоқларини қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Бироқ, яқин-яқинларгача одамларни қурилиш материалларн билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб келарди. Тадбиркорлар бунинг ҳам чорасини топишди. Етиштирилган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг бир қисми Россия шаҳарларига жўнатилиб, металл, ёғоч ва шифер олиб келинди. Айни пайтда келтирилган бинокорлик материалларининг қиймати 5 миллион сўмликдан ошди. Ана шу маҳсулотларнинг ярмидан кўпроғи аҳолига тарқатиб берилди.

Ўтган йили хўжаликдаги ҳар бир оилага буғдой тарқатилди. Жами 35 тонна буғдойнинг бир килограмми 5 сўмдан сотилди. Омборда эса ҳали 160 тонна ғамлама бор. Бугунги кунда хўжаликда электр мойжувоз ва тегирмон бир маромда ишлаб турибди.

Бундай ғамхўрликлардан руҳланган хўжалик меҳнат аҳли экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Ўлар техника восталарини яхшилаб таъмирлашаётир. Бугунги кунда экиш агрегатлари, борона, чизел ва ҳайдов тракторларининг 90 фоизи таъмирланиб, мавсумга шайлаб қўйилди.

Суратларда: таъмирловчи Комил Эштўхтаев ва устахона мудири Абдуҳошим Хусанов. Ўнгда эса тажрибали пахтакор, бригада бошлиғи Ҳасан Эшмўминов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

СОҲИБКОРЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Республикамизда мевачевага талаб йилдан-йилга ортмоқда. Янги боғ-роғлар барпо этиш, мавжуд мевазорларни замонавий агротехника асосида парваришлаш ҳисобига мўл ҳосил етиштириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Соҳибкорларнинг Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган кўргазмали семинарда шу ҳақда гап борди. Унда вилоят ва туман деҳқончилик-саноат уюшмаларининг мутахассислари, хўжалик бош агрономлари, ижарачи боғбон ва соҳибкорлар қатнашди.

Сўзга чиққан олимлар ва тажрибали соҳибкорлар ўтган йил натижаларини таҳлил этиш билан бирга боғдорчиликни янада ривожлантириш хусусида гапирдилар.

Семинар қатнашчилари Урта Осиё қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш бирлашмасида боғдорчилик учун мўлжалланган кичик тракторлар ва машина-ускуналар билан танишдилар. [ЎзА].

РЎЗҒОР ХАЛТАСИ

(У ҚАЙСИ МАМЛАКАТДА ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛЯПТИ?)

⊙ Бизда ўртача маош Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидагидан кам, шу боис уларда яшаш шароити яхшироқ дегувчилар бор. Улар масаланинг иккинчи томонини атайлаб унутадилар ёки билмайдилар — у ҳам бўлса, ҳар бир мамлакат ёки халқнинг қўлидаги пулнинг харид қуввати, қудрати.

Ўзбекистонда 1 килограмм гўшт сотиб олинган пулга Москвада унинг 100 граммини ҳам бермайди. Тошкентда 1 квадрат метр уй-жой ҳозир минг сўм атрофида бўлса, Москвада 500 минг сўмдан 700 минг сўмгача. Республикамизда уйини хусусийлаштирган кишилар ўрта ҳисобда 15—20 минг сўм тўлаган бўлсалар, худди шундай уйларни Москвада 3—4 миллион сўмга ҳам харид этиш амримаҳол.

Дунёда шундай мамлакатлар ҳам борки, ҳар бир ишчи миллий валютада ўрта ҳисобда 10—12 миллион маош олади. Айни пайтда тушлик овқатнинг ўзи 70—80 мингга тушади. Айрим давлатларда ўртача маошнинг 50—60 фоизи уй-жой ижараси учун сарф этилади.

Келинг, узоққа бормай, МДҲ давлатларида аҳоли рўзғор халтаси қандай тўлдирилаётганини кўриб чиқайлик. Диаграммага қаранг:



Бу диаграммани — унда кўрсатилган мамлакатлар аҳолисининг рўзғор халтаси деса бўлади. Диаграммани катакча ва чизиқчалари рўзғор халтасининг тўлалик даражасини кўрсатади. Ундан маълумки, бу кўрсатгич ҳар жойда ҳар хил. Молдовада — 13 фоиз, Қирғизистонда — 24 фоиз, Украинада — 20,9 фоиз, Арманистонда — 26,2 фоиз. Бошқача қилиб айтганда, мазкур мамлакатлар аҳолиси рўзғор халтасининг чорак қисминигина зўр-базўр тўлдира олади. Қозоғистон ва Россияда рўзғор халтасининг ярми тўлмоқда, хулос. Юқоридаги давлатлар орасида Ўзбекистондагина аҳоли рўзғор халтаси тўлмоқда.

Бунинг яна бир мисоли сифатида «Азия» халқаро ҳафталигида эълон қилинган қуйидаги рақамларга эътиборни жалб этмоқчимиз.

1993 йил 12 февралдаги баҳоси (сўм)	нон		1 литр сут		1 кг гўшт		1 кг сариёг	
		давлат савдосида	бозорда	давлат савдосида	бозорда	давлат савдосида	бозорда
Олмаота	15	32	60—70	341	450—600	396	620
Бешкек	16—18	54	—	450	500	620	700—800
Москва	28	48—64	250—300	548	1800—2500	970	—
Санкт-Петербург	57—66	38—56	—	250—350	—	860—1080	—
Тошкент	6—8	10	—	150	—	180	—

Энди яна бир ҳисоб-китоб қилайлик. Нон Тошкентдагига нисбатан ўрта ҳисобда Олмаотада — 2, Бешкекда —2, Москвада—4—5, Санкт-Петербургда —10 баравар қимматроқ. Худди шундай ҳолатни сут, гўшт, ёғ ва бошқа маҳсулотларда ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистон ва МДҲ давлатларининг аҳолини ҳимоя қилиш бўйича сиёсати бошқа-бошқачадир. Аввал бошданоқ Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат юргизиш унинг тараққиётидаги устивор йўналиш қилиб олинган. Бу жиҳатдан республикамиз МДҲ давлатлари орасида олдинги ўриндадир.

Диаграммадан кўриниб турибдики, демократик Қирғизистоннинг қудрати ўз аҳолиси рўзғор халтасининг атиги 24 фоизини, Молдова — 13 фоизини, Арманистон —26,2, Украина — 20,9, Россия —43, Қозоғистон — 46 фоизини қондиряпти. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 121,5 фоизга тенг.

Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг ўзига хос яна иккита жиҳати бор:

Биринчиси, узоқ вақт давомида, СССР доирасида, Ласалнинг иш ҳақи тўғрисидаги назариясига амал қилинган эди. Масалан, колхозчиларга иш ҳақининг 10 фоизи тўланар эди. Ўзбекистон бу қоидадан воз кечган биринчи давлат бўлди. Республикамиз Президентининг 1992 йил 28 майдаги Фармонига биноан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларида деҳқонларнинг меҳнат ҳақи улуши 70 фоизгача етказилиши тавсия этилди. 1992 йилнинг 1 июнидан бошлаб қишлоқ хўжалик корхоналари қўшимча қиймат солиғидан озод этилди. Уларнинг ўз маҳсулотларини ўзлари тасарруф қилиш имкониятлари йил сайин ортмоқда.

Шунинг эвазига Қарши туманининг Юсуф Хушвақтов номидаги давлат жамоаси 15 фоиз ва режадан ортиқча пахтани сотиш ҳисобига 500 миллион сўм даромад олишни мўжаллаб турибди. Пахтанинг қолган 85 фоизи ва бошқа маҳсулотларни сотишдан олинадиган фойда бу ҳисобга кирмайди. Хўжаликда 500 оила истиқомат қилади. Республика бўйича деҳқонларнинг ана шундай қўшимча даромади 20 миллиард сўмдан иборат бўлади. Бу — Ўзбекистоннинг 1990 йилги бюджети даромадидан 500 миллион сўм кўпдир.

Иккинчиси, Ўзбекистонда 1993 йил январидан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси жорий қилинди. Бу инқилобий ҳужжат бўлиб, уни ўз вақтида на Брежнев, на Горбачев эплай олмаган эди. Унда қўйилган механизм на Россия, на Беларусь ва на бошқаларда бор. Ана шу тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақининг энг кам миқдори доимо ва узвий равишда унинг энг юқори миқдорига боғлиқ қилиб қўйилган. Бунинг маъноси шуки, эндиликда ҳеч бир корхона раҳбари илгаригидек маошни ўзича оширолмайди. У корхонада меҳнат ҳақини ошириш имкони бўлса, уни энг кам миқдордан бошлашга мажбур бўлади. Бу усул мулк шаклидан қатъи назар, халқ хўжалигининг барча соҳаларига тааллуқлидир.

Хуллас, баъзи бировларнинг Ўзбекистон ижтимоий сиёсатига нисбатан шубҳалари асоссиздир. Республикамиз ўз аҳолисини турли гирдоб ва чиғириқлардан эсон-омон олиб ўтаётган дунёдаги саноқли давлатлардан биридир. Буни ҳамма тан оляпти. Ортиқча гапсўзга ҳожат йўқ.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.
(ЎзА).

Темур тузуклари

Тимур тузуклари

Биринчидан, ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи билиб қилсин, яъни раият подшосининг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким бунга аралашолмайди, деб билсин. Шундай бўлгач, подшоҳ салтанат мартабасига шерик бўлгудек қилиб бировнинг гапига ва ишига эргашмасин. Гарчи яхши сўзни ҳаммадан эшитиш зарур бўлса ҳам, лекин еўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик, ёҳуд устун бўлмасликлари шарт.

Иккинчидан, султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди. Чунончи, амир Ҳусайннинг золим бир вазири бор эди. У сипоҳу раиятга ҳақ-ноҳақ жарималар солар эди. Орадан кўп вақт ўтмай ўша ноинсоф вазирнинг шумлигидан амир Ҳусайннинг салтанат уйи ҳароб бўлди.

Учинчидан, бутун мамлакатда буйруқ-фармон бериш ишлари подшонинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

Тўртинчидан, подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, то битирмагунича ундан қўл тортмасин.

Бешинчидан, подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор, яъни қандай ҳукм чиқаришидан қатъий назар, амалга ошириши керак. Бирон кимса гарчи ҳукми зарарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин. Чунончи, эшитганманки, султон Маҳмуд Ғазнавий[1] Ғазна шаҳри майдонига катта тошни келтириб ташлашни буюрган экан. Ундан ўткинчи кеткинчиларнинг от-уловлари ҳуркиб ўта олмай қолибди. Шунда одамлар тош йўл бўйидан олиб ташланса, деб султон ҳузурига қанчалик арз-шикоят қилиб боришмасин, султон «чиқарган ҳукмимдан қайтмайман, унга хилоф бирон иш ҳам қилмайман», деган экан.

[1] Ғазнавийлардан, 998—1030 й. Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни идора қилган.

65.

Олтинчидан, подшолик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймассинким, дунёда хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади. Чунончи, султон Маҳмудга хоинлик қилган вазирлар уни салтанат тахтидан тушириб, тахтга ўзлари эга бўлдилар. Шундай бўлгач, салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз олайтира олмайди.

Еттинчидан, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

Саккизинчидан, салтанат ишларида, сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилмасин. Вазирлар, амирлар бирон кимса ҳақида яхшиёмон сўз қилар эканлар, эшитсин. Лекин уни амалга оширишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунча шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

Тўққизинчиси, подшоҳ ҳайбати сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амр-фармонига ҳеч ким қаршилик қилишга журъат этмолмасин; итоат ва тобеълик қилиб, исён кўтармасин.

Ўнинчиси, [подшо] нима қилса, ўз эркича қилсин, нима деса ўз сўзида қатъий турсин, чунки подшоҳларнинг ҳукм ҳурматидан бошқа баҳрамандликлари йўқдир. Хазина, лашкар, раият, салтанат — буларнинг бариси унинг ҳукми биландир.

Ўн биринчиси, салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

Ўн иккинчиси, [подшоҳ] мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшаш бир воқеа менинг ўзим билан рўй берганди. Ўзимнинг хос мажлисимдаги бир қанча суҳбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари экан.

СИПОҲ САҚЛАБ ТУРИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳлардан иш кўрган, жанг-жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар.

Ўн нафар ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан энг иш кўрган, жанг майдонларида тобланиб тажриба орттирган, баҳодирликда номи чиққан бировни амир қилиб, уни юзбоши деб номласинлар.

Агар ўн юзбоши йиғилса, амирзодалардан ақлли, шижоатли, баҳодир бир кишини амир этиб сайлаб, уни мингбоши десинлар ва амири ҳазора деб улуғласинлар.

Агар қарамларидаги бирон кимса ўлса ёки қочиб кетса, ўрнига янги кишини тайинлаш ўнбошиларнинг ихтиёрида бўлсин. Шунга ўхшаш юзбошилар ўнбошиларни, мингбошилар юзбошиларни тайин қилсин. Булардан ўлган, қочган, янги тайинланганлар бўлса, сабабларини айтиб, менинг арзимга етказсинлар.

66.

• *Ўзбекистон–Мальта*

ДИПЛОМАТИК АЛОҚА ЎРНАТИЛДИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори кундан кунга ортиб бормоқда. Уни республикамиз истиқлолини тан олиб, Ўзбекистон билан дипломатик алоқаларни ўрнатган ва мазкур ниятлар сари интилаётган бир қатор давлатлар тимсолида яққол кўриш мумкин. Бугун эса Ўзбекистон билан дипломатик алоқаларни ўрнатган мамлакатлар сони яна биттага кўпайди, яъни бугунги кунгача мустақил Ўзбекистон билан дипломатик протоколнин имзолаган давлатлар сони жами 65 тага етди.

25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг топшириғига муворик Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон ва Мальта республикалари ўртасида илк бор бу мамлакатларни бир-бирига яқин боғловчи дипломатик алоқаларни ўрнатишга бағишланган расмий маросим бўлиб ўтди.

Мальта республикаси Ўрта денгизнинг марказий қисмидан жой олган давлатлардан бири бўлиб, бугунги кунда 360 мингдан ортиқ аҳолига эгадир. Ҳудуди 316 километр квадрат. Пойтахти Валлетта. Мальта ва инглиз тиллари мазкур республиканинг давлат тили ҳисобланади. Аҳолисининг асосий қисмини католиклар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ва Мальта давлати ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги Протоколни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан ва топшириғи билан Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев, Мальта республикаси номидан Мальта давлатининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Морис Лубрано имзоладилар.

Жаноб Морис Лубрано Мальта республикасининг Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жанобларига йўллаган самимий саломларини изҳор қилди.

— Ўзбекистон Республикаси билан Мальта ўртасидаги бу муҳим, икки томонлама дипломатик алоқаларни ўрнатиш хусусидаги протоколни имзолашда қатнашиб, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар йўлга қўйилаётганидан ғоятда мамнунман ва бу билан фахрланаман, — деди М. Лубрано. — Биз келажакда Ўзбекистон билан Мальта ўртасидаги кенг ва тенг манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўлимиздан келадиган барча ишларни қиламиз.

Расмий маросимга якун ясаб, элчи Юсуф Абдуллаев ҳам Мальта республикаси билан Ўзбекистон ўртасида алоқа ўрнатиш борасида биринчи пойдевор қўйилганини таъкидлади. Бундан кейинги вазифамиз шу бугун қўйилган пойдеворни ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳаракат қилишдан иборатлигини айтди. Серқуёш Ўзбекистон ўз навбатида иқтисодий ҳамкорлик ва муносабатларимизни йўлга қўйишга тайёр эканлигини қайд этди.

Протоколни имзолаш расмий маросими дўстона вазиятда ўтди. Унда ҳар иккала мамлакат Россия Федерациясидаги элчихоналарнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

Фахриддин ПАРПИЕВ,
Москва шаҳри.

• *Янги китоблар*

«ШИФОМАН—ШИФО»

Серқуёш мамлакатимиз водийларида, тоғу-биёбонларида, қир-адирларида ҳатто дарё-анҳорлари-ю ариқ лабларида анвойи ўсимликлар жуда кўп. Улардан ҳамма соҳада: жумладан саноатда, табобатда ҳам фойдаланилади. Мутахассис олимларимиз фикрича, ўсимликлардан олинадиган дори-дармонлар, озиқ моддалар сунъийларига қараганда катта афзалликларга эга. Энг муҳими онатабиатимиз маҳсули бўлган ширин-шакар мевалар, қовун-тарвуз, қовоқни айтмайсизми. Булар дастурхонимиз кўрки ҳам шифобахшдир.

Халқимизда «Дард борки шифо билан», деган нақл бор. Тўғри, ер юзидаги мингминглаб ўсимликдан икки мингга яқини доривор ҳисобланади. Ўзбекистонда эса 150 дан зиёд ўсимлик доривор сифатида рўйхатга олинган. Шифобахш ва дардга малҳам ана шундай ўсимликлар ҳақида билишни истасангиз таниқли журналист Исмоил Тўхтасиновнинг «Шифоман — шифо» китобчасини ўқинг.

Китобчада Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ва озиқбоп неъматлар, яъни ўсимликлар, сабзавот ва меваларнинг одам учун фойдали хосиятлари ҳақида сўз юритилади. Қайси хасталикда қайси неъматларни тановул қилиш атрофлича баён этилади.

Хусусан беҳининг хосиятлари ҳақида муаллиф шоирона қилиб мана бундай дейди:

Ташналик сўнади
беҳи сувидан,
Қусишни тўхтатар,
кекиришни ҳам.
Қон туфлашга қарши
фойда қилади,
Даф этар бурундан
сув оқишни ҳам.

ДЎСТЛАР ТАШРИФИ

26 февраль куни Озарбайжон Республикаси Бош вазири ваколатини ижро этувчи Али Аҳмед ўғли Ҳасимов бошлиқ ҳукумат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи бошланди.

Озарбайжон Республикаси ҳукумат делегацияси икки кунлик ташриф чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан музокаралар ўтказади, бир неча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

(ЎзА).

НАВОИЙ—ХОРИЖГА

● Навоий вилоятидаги энг йирик саноат корхоналаридан бири — «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Мазкур бирлашмада кимёвий органик ўғитлар билан бир қаторда кенг халқ истеъмоли моллари ҳамда харидорбоп нитрон толаси ишлаб чиқарилди.

Лекин, ҳамма ерда бўлганидек, бу ерда ҳам муаммолар йўқ эмас. Чунончи, органик ўғитлар ҳам, халқ истеъмоли моллари ҳам ниҳоятда қиммат. Шунинг учун ҳам бирлашма кимёгарлари хориждан шерик излашга мажбур бўлишяпти.

Муаммони ҳал этишда ишбилармонлик, мол айирбошлаш қўл келмоқда.

Натижада тез орада Хитой, Корея, Монголия, Франция, Япония сингари мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Эндиликда навоийликлар четга нафақат кимёвий ўғитлар, балки нитрон толаси чиқаришни ҳам йўлга қўйишди. Бу ўринда Япония билан тузилган шартномани алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Яқинда бу мамлакатга анчагина нитрон толаси етказиб берилди. Эвазига эса илгаригидек озиқ-овқат, кийим-кечак ёки замонавий машиналар эмас, аксинча ўта мукаммал иш жараёнларини бажарадиган, автоматик тарзда бошқариладиган «Агама» тўқув дастгоҳи олинди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва фалсафа кафедрасининг жамоаси кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди доцент Камолиддин Тўлагановга отаси

Зиё аканинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади, марҳумнинг қариндошларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, Абдулаҳад Муҳаммаджоновга укаси

Тоҳир МУҲАММАДЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари, табиий-жуғрофия факультети иқтисодий жуғрофия ва физика таълими услубиёти кафедраси доцентлари М. Набихонов ва Ф. Нурматоваларга оналари

АДОЛАТ ая СОДИКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Андижон вилоят суди раиси О. Ҳайдаровага волидаи муҳтарамалари

ХАЙРИХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади, ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти йўл хўжалигини ривожлантиришни мувофиқлаштириш кенгаши ва вилоят йўлларини жамловчи ишлаб чиқариш технологик бирлашмаси жамоалари шу бошқарма бошлиғи И. Тўрақуловга волидаи муҳтарамалари

БОЙЖОН ая ЖУРАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 19
1993 йил 27 февраль

"УЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• *Бизнинг ризқ-рўз...*

ТЕГИРМОНЛАР ТИНИМ БИЛМАЙДИ

Республика дон маҳсулотлари концернига қарашли «Янгийўл» дон саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида алоҳида матонат билан меҳнат қиляпти. Корхона дарвозаси олдида сара буғдойлар ортилган машиналар карвонининг кети кўринмайди. Қадоқ қўлли ғаллакорлар саховатли заминимизда етиштирган дон маҳсулотларини пешма-пеш юборишаётир. Бу ерда эса улар қайта ишланиб, ун тайёрланмоқда.

— Бирлашмамизда 370 дан ортиқ ишчи-хизматчи ишлайди, — дейди биз билан суҳбатда жамоа раҳбари Муқибилла Мамажонов. — Вазифамиз исрофгарчиликка йўл қўймасдан, иш сифатини ошириб бориш. Ҳозирги мураккаб шароитда аҳолининг ун маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Айни вақтда, жойларда бизнинг «рақобатчи»ларимиз бўлган оддий тегирмонлар ҳам ишлаб турибди. Демак, биз ўз маҳсулотларимиз сифатини ошириш учун жиддий ҳаракат қилишимиз зарур. Бинобарин, ҳозирга қадар ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ўз вақтида харид қилиб олинаётир. Шунга яраша биз ҳам режаларимизни ошиғи билан адо этяпмиз. Ўтган йили жамоамиз режадан ташқари кўплаб тонна ун маҳсулотини харидорларга етказиб берди.

Ҳа, бу жамоа меҳнати маҳсулини кундалик турмуш тарзимизда ҳам кўришимиз мумкин. Ҳар куни тановул қиладиганимиз — сифатли нон ва бошқа ун маҳсулотлари мана шу ердан ишлаб чиқарилади ва аҳолига етказиб берилади. Жамоада кўп йиллардан бери ҳалол меҳнат қилаётган бош муҳандис Муроджон Каримов, илғор смена бошлиқларидан Абдуқодир Жабаев ва бошқалар ўз вазифаларини виждонан адо этишмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тобора яхшилаш мақсадида корхонада вақти-вақти билан таъмирлаш ишлари олиб борилади. Цехларга яқинда янги жиҳоз ва ускуналар ўрнатилди. Замон талабига мос келадиган илғор технология ва бошқа зарур ишлаб чиқариш воситалари ҳам қўлланилмоқда. Бу жамоа меҳнат аҳли қисқа фурсатларда аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир талай муҳим тадбирларни амалга оширишни кўзламоқдалар.

Сўзбоши салом, иш боши интизом, деганларидек, бу ерда иш суръатининг тобора ошишига жамоа ўртасидаги ўзаро аҳиллик ва меҳнат интизомининг мустаҳкамлиги сабаб бўлаётир.

Иш икки сменада ташкил этилган. Тунги сменада фаолият кўрсатишаётган ишчи-хизматчиларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Меҳнаткашларнинг ўз вақтида кўнгилли дам олишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё.

Соҳибжон САЛИМОВ.
Ўз мухбиримиз.

ОСИЁ КОНТИНЕНТАЛ ХОУ
ХАЛҚАРО САВДО УЙИ

ХАЛҚАРО САВДО УЙИ — БЕЛОРУСНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЙИРИҚ ТИЖОРАТ БАНКИ ВАКИЛИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ БЕЛОРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИГА ВА У ЕРДАН БУ ЕРГА 24 СОАТ МОБАЙНИДА ЎТКАЗИБ БЕРАДИ.

Алоқа телефонлари (3712) 32-22-07, 68-16-42.

РУС ДОҲИЙСИНИНГ ЯҲУДИЙ ҚОНИ

Рус ҳужжатхоналарига оид журналлардан бири яқинда бир материал эълон қилди, деб ёзади Ларри Горвиц «Нью—Йорк таймс недельное обозрение» газетасида. Унда Ленининг она томонидан бобоси яҳудий бўлгани, Шўро давлати асосчиси шажарасининг бу қисмини ошкор қилишга илгари рухсат берилмагани айтилади...

Ленининг бобоси Израил Бланк 1799 йили Украинанинг Старо-Константиново шаҳрида яҳудий тожири Мошке (Исаакнинг ўғли) Бланк ва унинг рафиқаси Мириам оиласида туғилган. 1820 йили Израил Бланк рус православ черковида чўқинтирилган. Чамаси, бу иш унинг тиббиёт-жарроҳлик академиясига кириши учун қилинган. Исми-шарифини ҳам Александр Дмитревич Бланк деб ўзгартирган. 1824 йил 19 июлда у академияни тамомлади ва 1826 йил 29 январда дипломининг узил-кесил тасдиғини олди.

